

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53409-4.03

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**МОЛИЯВИЙ ВА БОШҚАРУВ ТАҲЛИЛИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340900 - "Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: проф. Иброҳимов А. Т.,
к.ўқ. Ишонқулов Н. Ф.

Такризчилар: доц. Файзиев Б. В.,
доц. Файзиев Ш. Н.

Мазкур ўқув дастури иқтисодий йўналишлардаги олий ўқув юртларининг III-IV-курс талабалари учун мўлжалланган. Бозор иқтисодий шароитида "Молиявий ва бошқарув таҳлил" фанини ўргатиш бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, кредит соҳаларида малакали мутахассисларни тайёрлаш билан узвий боғлиқдир. Дастур уч бўлимдан иборат. Унда бошқарув ва молиявий таҳлилнинг мазмуни ҳамда инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолият таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари ифодаланган.

Данная учебная программа предназначена для подготовки студентов III-IV курсов высших учебных заведений экономического направления. В условиях рыночной экономики является объективной необходимостью подготовка высококвалифицированных кадров в области бухгалтерского учёта, аудита, финансов и кредитования. В этой связи в процессе подготовки вышеупомянутых кадров преподавание предмета "Финансовый и управленческий анализ" играет большую роль. Учебная программа состоит из трех частей. Она включает в себя вопросы сущности управленческого и финансового учета, а также особенности анализа инвестиционной и внешней экономической деятельности предприятий.

The given educational program is intended for opening-up of the students 3-4 of courses of higher educational establishments of an economical direction. In conditions of market economy is by objective necessity the opening-up of highly qualified staff (frames) in the field of the accounting count, audit, finance and crediting. In this connection teaching of a subject "the Administrative and financial analysis" plays a large role during opening-up of the above mentioned staff (frames). The educational program consists of three parts. It includes problems of nature of the administrative and financial count and also features of the analysis of investment and external economical activity of firms.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи

Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги туб ўзгаришлар малакали кадрларга бўлган талабни юзага келтирмоқда. Бу эса ўз навбатида бизнес ва бошқарув соҳасида банд бўлган ходимларни замонавий билимларини оширишни талаб қилмоқда. Мутахассислик фанлари қаторига кирувчи ушбу фан талабаларни корхона фаолиятини таҳлил этиш ва мақсадли бошқаришнинг муҳим жиҳатлари билан таништиради. Мазкур фан корхоналар иқтисодини бошқаришнинг, хўжалик жараёнлари, уларнинг самарадорлигини ва молиявий натижавийлигини баҳолашни, хўжалик-молия фаолиятига иқтисодий ташҳис қўйиш усуллари ҳақида билим беради.

Ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

"Бошқарув ва молиявий таҳлил" фани талабаларга фирма, компания, ҳиссадорлик жамиятлари ва шу каби турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятини ўргатиш мақсадида ўқитилади. Бу фанни ўқитилишидан мақсад бўлғуси иш жойларида турли хил ахборот манбаларидан фойдаланиб корхоналарда бўлаётган ўзгаришларни ўз вақтида тушуниш ва бошқарувда тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатишдан иборатдир. Асосий вазифалар бўлиб фирма ва компаниялар фаолиятига ҳолисона баҳо беришни ўрганиш, йўл қўйилган камчиликлар, ички имкониятларни аниқлаш ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдир.

"Молиявий ва бошқарув таҳлил" фанини ўзлаштиришда талабалар "Иқтисодий назария", "Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика", "Статистика", "Маркетинг ва менежмент асослари", "Банк иши", "Жамғарма иши", "Суғурта", "Микроиқтисодиёт", "Макроиқтисодиёт", "Аудит", "Бюджет ва бюджет тузилиши", "Молия", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Пул, кредит ва банклар", "Молиявий ва бошқарув ҳисоби", "Инвестицияни ташкил этиш ва молиялаштириш", "Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси" ва шу каби бошқа иқтисодий фанларни мукамал эгаллаши лозим.

Олий таълимнинг ДТС га "Молиявий ва бошқарув таҳлил" фани бўйича талабаларнинг билимига, ўқуви ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

- бошқарув ва молиявий таҳлилнинг муҳим тамойиллари ва қўллайдиган услубларини бўлғуси иш жойларида фойдаланиш;

- жорий, тезкор ва истикболли таҳлил турларини иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда қўллаш;
- аниқ фирма ва компания фаолиятидаги жараёнларнинг ахборот манбаларидан фойдаланиб, тўғри тушунишга;
- моддий, меҳнат ва молиявий бойликлардан корхоналарнинг фойдаланганлик даражасига баҳо бера олишликка;
- ишлаб чиқариш, даврий ва молиявий фаолият билан боғлиқ харажатларни ўргана олишликка;
- маҳсулотлар сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятдан кўрилган молиявий натижаларни аниқлай билишга;
- молиявий аҳвол ва тўлов қобилиятини ўрганиб, рақобатга чидамли бўлишлик учун амалга ошириладиган тадбирларни кўрсата билишга;
- фирма ва компанияларни иқтисодий самарадорлигини яхшилаш бўйича таклифлар беришга ўргатади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида ушбу курсга 156 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 78 соати маъруза, 78 соати амалий машғулотдир.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизларда): аудитория машғулотлари бўйича соатларнинг 156 соати (100%) аудитория соатларига ажратилган. Мустақил таълим соатлари ўқув графиги бўйича кафедра кунларида ташкил этилади.

Фан бўйича талабалар билимини баҳолашнинг тадбирлари

Фан бўйича талабалар билими рейтинг тизими бўйича баҳоланади. Умумий ўқув графиги бўйича ажратилган соатларнинг 70 фоизи жорий ва оралиқ назоратга, 30 фоизи якуний назоратга ажратилади. Жорий баҳолаш ҳар бир амалий машғулотда ўрганилган мавзулар бўйича кичик тестлар, фирма ва компаниялар мисолида тузилган амалий масалаларни ечиш натижаларига қараб амалга оширилади. Оралиқ баҳолаш эса мавзуларнинг тўлиқ тушунчасини ифодаловчи таянч иборалар ва сўзлар асосида ёзма иш олиш натижаси билан ҳал қилинади. Талабалар давомати (20 фоизгача), фаоллиги (30 фоизгача), дафтар юритиши (20 фоизгача) ва якуний ёзма иш (30 фоизгача) бўйича жорий ва умумий рейтинг баҳолари чиқарилади. Якуний баҳолаш ёзма иш шаклида ташкил этилади ва баҳоланади.

Компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўлланилиши

Фанни ўзлаштиришда илғор педагогик технологиянинг таркибий қисмлари бўлмиш: 1) фанни мазмунини кўрсатувчи кўрғазмали альбомлардан фойдаланиш; 2) таянч иборалар ва сўз луғатларидан ёзма ишни ташкил этиш; 3) "Бухгалтерия иш жойини автоматлаштириш" дастуридан фойдаланиш; 4) "1С Бухгалтерия" дастуридан фойдаланиш; 5) "Бухгалтерия ҳисоботини ва корхона молиявий кўрсаткичларини автоматлаштириш", 6) Масофавий ўқитишни ташкил этиш каби компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланилади.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Молиявий ва бошқарув таҳлил" фани III курснинг VI ва IV курснинг VII ҳамда VIII семестрларида ўқитилади. Дастлаб бошқарув таҳлили фанида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархини таҳлил этиш ўрганилади. Шунингдек, корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижалари, хусусий капитал ва пул оқимлари ўрганилади. Таълимнинг сўнгги босқичида фирма ва компанияларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини таҳлил этиш услублари ўрганилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилиниб, жорий баҳолаш ҳар бир амалий машғулотларда ўрганилган кичик тестлар, фирма ва компаниялар мисолида тузилган масалалар натижаларига қараб амалга оширилади. Оралиқ баҳолаш эса мавзуларнинг тўлиқ тушунчасини ифодаловчи таянч иборалар ёрдамида ёзма иш олиш натижаси билан ҳал этилади. Шунингдек, талабаларга "Назарий ўйин", "Мияга ҳужум" ва бошқа илғор услубларни қўллаш фанни пухта ўзлаштиришга ёрдам берилади.

Умумий ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" йўналиши давлат стандартларида ушбу курсга 156 соат ҳажмда вақт ажратилган. Уларнинг 78 соати маъруза, 78 соат амалий машғулот. Шунингдек мустақил таълим ва курс иши (лойиҳа) мўлжалланган. "Бошқарув ва молиявий таҳлил" фанидан олинган назарий билимлар талабаларнинг малакавий амалиёт ўтиш жараёнида янада мустаҳкамланади ва келгусида долзарб бошқарув масалаларнинг тўғри ечимини топишга ўргатади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Маъруза машғулоти мазмуни

1-Бўлим. Бошқарув таҳлили

Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклиф таҳлили

Корхонанинг маркетинг фаолиятини таҳлил этишнинг аҳамияти ва таҳлил вазифалари. Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклифни таҳлил этиш услублари. *Талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар: маҳсулот баҳоси ва унинг сифати, харид этувчиларнинг даромади, ўзаро алмашадиган товарлар баҳоси, бозорни товарлар билан тўйимлилиги ва ҳ.к.*

Истеъмол товарларини истеъмолчи томонидан харид этилмаганлик сабаблари: ташқи ва ички сабаблар.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини таҳлил этиш услублари. Рақобат даражаси ва улар таҳлили. Нарх-наво сиёсати, улар тўғрисида тушунча ва таҳлил вазифаси. *Нарх-навонинг ташкил топishi ва уларнинг турлари. Рақобат даражаси кўрсаткичлари ва уларни аниқловчи омиллар.*

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил этишнинг аҳамияти, вазифалари ва унда фойдаланиладиган манбалар. *Маҳсулот ҳажмини ифодаладиган кўрсаткичлар тизими. Қиймат, натура, шартли-натура кўрсаткичларнинг маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланилиши.* Маҳсулот ҳажмини ўсиш суръати таҳлили. Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини бир-бирига боғлиқлиги. Маҳсулот ҳажмини аниқлашда хўжалик битимидаги шартноманинг тутган ўрни. Маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услуби. *Маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришини унинг қиймат шаклига таъсирини ҳисоблаш услуби.* Структурани ўзгариш сабаблари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлил этиш услуби. Маромийликни аниқлашда тўғри ва эгри кўрсаткичларнинг қўлланилиши.

Маромийлик коэффициентини аниқлаш тартиби. Маромийликнинг бузилиш сабаблари ва унинг оқибатлари. Бозорни хилма-хил товарлар билан тўлдиришда кичик, ўрта корхоналар ва тадбиркорлик фаолиятининг тутган ўрни ва аҳамияти.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни туркумлаштириши.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида сотиш ҳажмини таҳлил этишнинг аҳамияти ва вазибалари. Маҳсулот сотиш ҳажми динамикасининг таҳлили. *Сотиш ҳажмини ўртача йиллик ўсиш даражасини ҳисоблаш тартиби.* Маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили.

Сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши таҳлили. Шартнома мажбуриятларини бажарилмаслик сабаблари ва унинг корхона иқтисодиётига таъсири. Сотиш ҳажми, ўртача нарх, сотишдан келадиган тушум ва фойда миқдорларини харид бозорига боғлиқлиги.

Маҳсулот сифатини таҳлил этиш услуби. Сотилган маҳсулот сифатини ифодаловчи умумий кўрсаткичлар тизими. Сифатни ифодаловчи яққа ва эгри кўрсаткичлар. Маҳсулотнинг рақобатга бардошлилиги таҳлили. Сифатсиз маҳсулотдан кўриладиган йўқотишлар. Тузатиб бўладиган ва тузатиб бўлмайдиган товарнинг маҳсулот ҳажмига таъсирини ҳисоблаш тартиби.

Маҳсулот рекламацияси, бутлиги(комплект)га эътиборни кучайтиришнинг бозор иқтисодиёти шароитида зарурлиги.

Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини ҳисоблаш ва жамлаш.

Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, меҳнат унумдорлиги ва уларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири таҳлили

Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари натижаларининг маҳсулот ҳажми, таннархи ва молиявий натижаларда ўз аксини топиши. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ресурсларини таркиби ва ўсиш суръатларини ўзига хос хусусиятлари. *Меҳнат ресурслари таҳлилининг вазибалари.* Корхонанинг ишчи кучи билан таъминланганлиги, уни таркиби ва ҳаракати. Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малака даражаси таҳлили. Кадрлар қўнимсизлиги таҳлили. Ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланиши таҳлили. *Иш вақтидан тўлиқ фойдаланмаслик, иш вақтини йўқотиш сабаблари ва уларни маҳсулот ҳажмига таъсирни аниқлаш тартиби.*

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси таҳлили. Бир ходимга ва бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби. Ишчининг бир соатлик иш унумининг ўзгариш сабаблари. Меҳнат сиғими ўзгаришининг меҳнат унумдорлик кўрсаткичига таъсирини аниқлаш тартиби. *Иш вақтидан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини аниқлаш.*

Корхонани моддий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланишнинг таҳлили

Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва улардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти. Таҳлил вазифалари. Корхонани моддий ресурслар билан таъминланишини таҳлил этиш услуги. *Хом ашё, ёқилғи материалларини захира ҳолатининг таҳлили. Оптимал буюртма ва захира партияларини аниқлаш тартиби.*

Моддий ресурслар(хом ашё, ёқилғи ва х.к.)дан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. *Маҳсулот материал сизими ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услуги.*

Материаллардан самарали фойдаланиш кўрсаткичи – материаллар харажатини ҳар сўмига тўғри келадиган фойда миқдорини ўзгаришига материал қайтими, жами ишлаб чиқаришда сотилган маҳсулот улуши ва сотишдан кўрилган рентабеллик даражасини ўзгаришини таъсирини ҳисоблаш усули. *Сарф меъёри ва материал баҳосини ўзгариш сабаблари. Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш афзалликлари.* Материал ресурслардан унумли фойдаланиш, захира ортиқчалигини камайтириш ва материал сизимини пасайтириш эвазига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини ҳисоблаш.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи таҳлили

Корхона харажатларини таҳлил этишнинг аҳамияти, вазифалари ва ахборот манбалари. Корхона харажатларини туркумлаш. Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таҳлили, бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатларнинг таҳлили. *"Ўзгармас" ва "Ўзгарувчан" харажатлар таҳлили. Харажатларнинг иқтисодий мазмуни ва элементлари бўйича таҳлили.* 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган ишлаб чиқариш харажатлари таҳлили. Ишлаб чиқариш моддий харажатлар таҳлили, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари ва ижтимоий суғурта учун ажратма харажатлар таҳлили, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси таҳлили. Материаллар, ёқилғи ва энергия учун қилинган харажатлар таҳлили. Иш ҳақи харажатлари таҳлили. Ишчилар ва бошқа тоифадаги ходимларнинг иш ҳақи фондига таъсир этувчи омиллар таҳлили. *Меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбат таҳлили ва уларни маҳсулот таннархига таъсирини ҳисоблаш.* Ишлаб чиқариш йўналишидаги бошқа турдаги харажатлар таҳлили. Айрим

маҳсулот турларининг ишлаб чиқариш таннархи таҳлили. *Маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича аниқланган имкониятлар (резерв)ни умумлаштириш.*

Давр харажатлари таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Бошқарув харажатлари таҳлили, маҳсулотларни сотиш харажатлари таҳлили ва *бошқа операцион харажатлар таҳлили*. Сотиш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий суғуртага бўлган харажатлар таҳлили, савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси харажатлари таҳлили. *Товарларни сақлаш, ўраш-жойлаш ва савдо рекламаси харажатлари таҳлили. Маъмурий харажатлар: бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғуртага ажратма харажатлар, енгил автотранспортга ва хизмат микроавтобусларини сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари, хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари таҳлили.* Бошқа операцион харажатлар: кадрлар тайёрлаш, маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш, аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг дам олиши билан боғлиқ харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўлов харажатлар, зарарлар, жарималар, пенялар бўйича харажатлар таҳлили. Давр харажатларини пасайтириш имкониятларини ҳисоблаш.

2-Бўлим. Молиявий таҳлил

Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни ва вазифалари. Бухгалтерия баланси ва уни таҳлилда қўлланилиши. Баланс активи таҳлили. Баланс пасиви таҳлили. *Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик ва ўзгарши сабабларининг таҳлили.* Корхона тўлов қобилияти таҳлили. Корхона молиявий барқарорлиги таҳлили. Банк миждозининг кредитга лаёқатлилиги таҳлили. Баланс ликвидлиги таҳлили. Жорий ва истиқболли ликвидлик коэффициентлари таҳлили. Оборот маблағлари айланиши таҳлили. *Маблағлар айланишининг умумий ва алоҳида (якка) кўрсаткичлари тизими.* Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг натижаларини умумлаштириш ва молиявий соғломлаштириш йўллари белгилаш. *Корхона молиявий ва иқтисодий ҳолатига умумий баҳо бериш.*

Молиявий натижалар таҳлили

Молиявий натижалар таҳлили мазмуни, вазифалари ва манбалари. Молиявий натижаларнинг шаклланиши, йиллик соф фойда, унинг таркиби таҳлили. Маҳсулот

сотишдан кўрилган ялпи фойда, унинг ўзгаришига сотишдан олинган соф тушум ва сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархининг ўзгаришини ҳамда бошқа омиллар таъсири таҳлили. *Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ва чиқимлар таҳлили, асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадлар: ундирилган ёки эътироф этилган жарима, пеня ва штрафлар, асосий фондларни ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар, даъво муддати, кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишидан ва давлат субсидияларидан даромадлар, ҳолисона молиявий ёрдам ва бошқа операциялар даромадлар таҳлили.* Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижалари таҳлили. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар: олинган роялтилар ва сармоя трансферти, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушли қатнашиш эвазига олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар, қимматли қоғозлар бўйича даромадлар, лизинг тўловлари даромадлари, валюта операциялари бўйича даромадлар, сарфланган маблағларни қайта баҳоланишидан олинган даромадлар таҳлили. Солиқ тўлангунга қадар фойда ва фойданинг ишлатилиши таҳлили. Бюджетга тўловлар ва бошқа ажратмалар таҳлили. Рентабеллик даражалари таҳлили. *Рентабелликка таъсир этувчи омиллар таҳлили. Фойда ва рентабелликни ошириш имкониятларини аниқлаш.*

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили

Таҳлилнинг вазифалари ва манбалари. Дебиторлик қарзлар таркиби, муддатлари ва уларни ундирилиш ҳолати таҳлили. Кредиторлик қарзлари таркиби, муддатлари ва уларнинг қайтарилиш ҳолати таҳлили. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари баланси таҳлили. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили. *Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг айланувчанлик таҳлили. Қарзларни камайтириш имкониятлари.*

Асосий воситаларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси таҳлили. *Асосий воситаларни техник ҳолати таҳлили.* Асосий воситалар билан таъминланганлик ва қуролланганлик таҳлили. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили. Асосий воситалардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг омилли таҳлили. *Машина ва жиҳозлардан вақт ва қувват бўйича фойдаланиш таҳлили.* Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш.

Пул оқимларининг ҳаракати таҳлили

Пул оқимлари таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Умумий пул оқими ҳаракати таҳлили. *Хўжалик фаолиятида пул маблағлари ҳаракатини таҳлили: харидорлардан келиб тушган пул маблағлари, мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари, ходимларга ва ходимлар номидан тўланган пул маблағлари таҳлили.* Инвестиция фойдаси ва молиявий хизмат кўрсатишдан кўриладиган пул оқими таҳлили. Олинган ва тўланган фоизлар, олинган ва тўланган дивидендлар таҳлили. Солиқланишдаги пул маблағлар сарфи таҳлили. Инвестиция фаолиятидаги пул маблағлари таҳлили: номоддий активлар, узоқ муддатли моддий активларни сотиб олиш ва сотиш, харид қилинган узоқ ва қисқа муддатли қўйилмалар бўйича пул маблағлари таҳлили. Молиявий фаолиятдан пул оқими таҳлили: Акция чиқаришдан капиталга тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг ундирилиши, ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар таҳлили. *Валюта маблағлари ҳаракати таҳлили. Пул маблағлари ҳаракатини тезлаштириш имкониятларини аниқлаш.*

Хусусий капитал таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Хусусий капиталнинг таркиби: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарарлар таҳлили. *Хусусий капиталнинг ўзгариш сабаблари таҳлили. Хусусий (ҳиссадор) капиталнинг ўсиши, қимматбаҳо қозғошлар эмиссияси, асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши, резерв учун ажратма, жорий йил фойда ёки зарари, олинган дивидендлар таҳлили.* Ҳисобот даври охирида устав капиталига қўшилган бадаллар, чиқарилган оддий ва имтиёзли акциялар, муомаладаги акциялар ҳаракати таҳлили. Хусусий капитални кўпайтириш имкониятларини аниқлаш.

3-Бўлим. Корхонанинг айрим фаолият турлари таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари

Корхонанинг инвестиция фаолиятининг таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Ишлаб чиқариш инвестицияси таҳлили. *Молиявий инвестициялар таҳлили. Инвестициялар таркиби ва динамикаси таҳлили.* Хорижий инвестицияларнинг жалб қилинганлиги ва унинг самарадорлиги таҳлили. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили

Ташқи иқтисодий фаолият таҳлилининг моҳияти ва мазмуни. Экспорт фаолияти таҳлили. *Экспорт фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва молиявий*

натижалар таҳлили. Импорт фаолияти таҳлили. Импорт фаолияти билан боғлиқ молиявий натижалар таҳлили. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижалар таҳлили.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ

1-Бўлим. Бошқарув таҳлили

Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклиф таҳлили

Корхонанинг маркетинг фаолиятини таҳлил этишнинг аҳамияти ва таҳлил вазибалари. Корхона маҳсулоти ва хизматига бўлган талаб ва таклифни таҳлил этиш услублари. Талаб ва таклифга таъсир этувчи омиллар.

Истеъмол товарларини истеъмолчи томонидан харид этилмаганлик сабаблари: ташқи ва ички сабаблар.

Истеъмол товарлари ва хизматлар бозорини таҳлил этиш услублари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг таҳлили

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил этишнинг аҳамияти, вазибалари ва унда фойдаланиладиган манбалар. Қиймат, натура, шартли-натура кўрсаткичларнинг маҳсулот ҳажмини аниқлашда қўлланилиши.* Маҳсулот ассортиментини таҳлил этиш услуби. Маҳсулот таркибидаги структуравий ўзгаришини унинг қиймат шаклига таъсирини ҳисоблаш услуби.

Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлигини таҳлил этиш услуби.

Маромийлик коэффициентини аниқлаш тартиби. Маромийликни бузилиш сабаблари ва унинг оқибатлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омилларни туркумлаштириш.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотиш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Маҳсулот сотиш ҳажми динамикасининг таҳлили. Сотиш ҳажмини ўртача йиллик ўсиш даражасини ҳисоблаш тартиби.

Сотиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таҳлили.

Маҳсулот сифатини таҳлил этиш услуби.

Маҳсулот рекламацияси, бутлиги (комплект)га эътиборни кучайтиришнинг бозор иқтисодиёти шароитида зарурлиги.

Маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини ҳисоблаш ва жамлаш.*

Меҳнат ресурслари билан таъминланганлик, меҳнат унумдорлиги ва уларнинг маҳсулот ҳажмига таъсири таҳлили

Меҳнат ресурслари таҳлилининг вазифалари.* Корхонани ишчи кучи билан таъминланганлиги, уни таркиби ва ҳаракати.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва улар динамикасининг таҳлили. Бир ходимга ва бир ишчига тўғри келадиган ўртача йиллик маҳсулотга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш тартиби. Меҳнат сиғимининг ўзгариши меҳнат унумдорлик кўрсаткичига таъсирини аниқлаш тартиби.* Иш вақтидан унумли фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ўсиши ҳисобига маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятларини аниқлаш.

Корхонанинг моддий ресурслар билан таъминланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили

Корхонани моддий ресурслар билан таъминланишини таҳлил этиш услуги.

Моддий ресурслар(хом ашё, ёқилғи ва х.к.)дан самарали фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. Маҳсулот материал сиғими ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш услуги.*

Сарф меъёри ва материал баҳосининг ўзгариш сабаблари.Иккиламчи ресурслардан фойдаланишнинг афзалликлари.*

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таннархи таҳлили

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таҳлили, бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатларнинг таҳлили. Ишлаб чиқариш моддий харажатларининг таҳлили, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақи харажатлари ва ижтимоий суғурта учун ажратма харажатлари таҳлили, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси таҳлили. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбат таҳлили ва уларни маҳсулот таннархига таъсирини ҳисоблаш.

Давр харажатларининг таҳлили

Бошқарув харажатлари таҳлили, маҳсулотларни сотиш харажатлари таҳлили ва бошқа операцион харажатлар таҳлили. Товарларни сақлаш, ўраш-жойлаш ва савдо рекламаси харажатлари таҳлили.* Маъмурий харажатлар таҳлили.* Давр харажатларини пасайтириш имкониятларини ҳисоблаш.

2-Бўлим. Молиявий таҳлил

Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили

Бухгалтерия баланси ва уни таҳлилда қўлланилиши. Баланс активи таҳлили. Баланс пасиви таҳлили. Корхона молиявий барқарорлиги таҳлили. Маблағлар айланишининг умумий ва алоҳида (якка) кўрсаткичлари тизими.* Корхона молиявий ҳолати таҳлилининг натижаларини умумлаштириш ва молиявий соғломлаштириш йўллари белгилаш.

Молиявий натижаларнинг таҳлили

Молиявий натижаларнинг шаклланиши, йиллик соф фойда, унинг таркиби таҳлили. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ва чиқимлар таҳлили, асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадлар: ундирилган ёки эътироф этилган жарима, пеня ва штрафлар, асосий фондларни ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар, даъво муддати кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, товар-моддий бойликларни қайта баҳоланишидан ва давлат субсидияларидан даромадлар, ҳолисона молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар таҳлили.* Солиқ тўлангунга қадар фойда ва фойданинг ишлатилишини таҳлили.* Бюджетга тўловлар ва бошқа ажратмаларнинг таҳлили.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг таҳлили

Дебиторлик қарзлар таркиби, муддатлари ва уларни ундирилиш ҳолати таҳлили. Кредиторлик қарзлари таркиби, муддатлари ва уларнинг қайтарилиш ҳолати таҳлили. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларнинг айланувчанлик таҳлили.* Қарзларни камайтириш имкониятлари.*

Асосий воситаларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси таҳлили. Асосий воситалардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг таҳлили. Асосий воситалардан фойдаланишнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига таъсирининг омилли таҳлили.* Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш.

Пул оқимларининг ҳаракатининг таҳлили

Пул оқимлари таҳлилининг мазмуни, вазифалари ва манбалари. Умумий пул оқими ҳаракати таҳлили. Олинган ва тўланган фоизлар, олинган ва тўланган дивидендлар таҳлили. Солиқланишдаги пул маблағлар сарфи таҳлили. Молиявий

фаолиятдан пул оқими таҳлили: Акция чиқаришдан капиталга тушум, узоқ ва қисқа муддатли қарзларнинг ундирилиши, ижара мажбуриятлари бўйича тушум ва тўловлар таҳлили. Валюта маблағлари ҳаракати таҳлили.

Хусусий капитал таҳлили

Хусусий капиталнинг таркиби: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарарлар таҳлили. Хусусий капиталнинг ўзгариш сабаблари таҳлили. Ҳисобот даври охирида устав капиталига қўшилган бадаллар, чиқарилган оддий ва имтиёзли акциялар, муомаладаги акциялар ҳаракати таҳлили. Хусусий капитални кўпайтириш имкониятларини аниқлаш.*

3-Бўлим. Корхонанинг айрим фаолият турлари таҳлилининг ўзига хос хусусиятлари

Корхона инвестиция фаолияти таҳлили

Таҳлилнинг мазмуни, вазифаси ва манбалари. Ишлаб чиқариш инвестицияси таҳлили. Молиявий инвестициялар таҳлили. Инвестициялар таркиби ва динамикаси таҳлили.* Хорижий инвестицияларни жалб қилинганлиги ва унинг самарадорлиги таҳлили. Инвестициялар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.*

Корхона ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили

Ташқи иқтисодий фаолият таҳлилининг моҳияти ва мазмуни. Экспорт фаолияти таҳлили.Экспорт фаолияти билан боғлиқ харажатлар ва молиявий натижалар таҳлили.Импорт фаолияти таҳлили. Импорт фаолияти билан боғлиқ молиявий натижалар таҳлили. Ташқи иқтисодий фаолият бўйича молиявий натижалар таҳлили.*

Курс ишлари мавзуларининг рўйхати

1. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхонани бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг тутган ўрни, аҳамияти ва вазифалари;
2. Иқтисодий таҳлил предмети, мазмуни ва вазифаси;
3. Таҳлилнинг иқтисодий фанлар системасида тутган ўрни;
4. Иқтисодий таҳлил методи ва усуллари;
5. Иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари;
6. Таҳлилнинг иқтисодий-математик усуллари;
7. Таққослаш ва занжирли боғланиш – иқтисодий таҳлилнинг асосий усуллари;
8. Иқтисодий таҳлил турлари ва унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли;

9. Функционал-қиймат таҳлили. Унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ички имкониятларини аниқлашдаги роли;
10. Бошқарув таҳлилининг мазмуни, мақсади ва вазифаси;
11. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ва уни ахборот манбаи;
12. Иқтисодий таҳлилнинг ахборот манбалари ва уларни текшириш усуллари;
13. Коррелляция–регрессив таҳлили;
14. Бозор тузилиши ва рақобат даражасининг таҳлили;
15. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасини таҳлили.
Маҳсулот структурасини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига таъсири;
16. Маҳсулот сотиш ҳажмининг таҳлили ва унга таъсир этувчи омиллар;
17. Шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш таҳлили;
18. Меҳнат сиғимини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг таҳлили;
19. Маҳсулот номенклатураси ва ассортименти ҳажми таҳлили. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот турларини янгилашнинг аҳамияти;
20. Маҳсулот сифати ва рақобатга бардошлилиги таҳлили;
21. Маҳсулот ишлаб чиқариш маромийлиги таҳлили;
22. Корхона ишлаб чиқариш имкониятининг таҳлили;
23. Корхонани меҳнат ресурслари билан таъминланиши таҳлили. Кадрлар (ходимлар) қўнимсизлиги таҳлили;
24. Иш вақтидан фойдаланиш таҳлили. Маҳсулот меҳнат сиғимининг таҳлили;
25. Меҳнат унумдорлигининг даражаси ва унга таъсир этувчи омилларнинг таҳлили;
26. Корхонани моддий ресурслар билан таъминланиши ва захира ҳолати таҳлили;
27. Ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан фойдаланиш таҳлили;
28. Ишлаб чиқарилган маҳсулот материал сиғими таҳлили;
29. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлили;
30. Ишлаб чиқариш харажатлари, уларнинг таркиби ва тузилиши таҳлили.
Ўзгарувчан ва ўзгармас харажатлар таҳлили;
31. 1 сўмлик маҳсулот учун қилинган харажатлар таҳлили;
32. Ишлаб чиқаришнинг харажат элементлари ва калькуляцион моддалари таҳлили;
33. Моддий (материал) харажатлар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили;
34. Меҳнат ҳақи харажатлари таҳлили;
35. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш даражаси ва ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбат таҳлили;
36. Айрим маҳсулот турлари таннархи таҳлили;
37. Молиявий таҳлилнинг мазмуни, манбаи ва таҳлил вазифаси;

38. Хорижий мамлакатлар молиявий ҳисоботини таҳлил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;
39. Корхона балансининг тузилиши ва унинг таҳлили;
40. Корхона мол-мулки, унинг таркиби, тузилиши ва ташкил топиш манбаи таҳлили;
41. Ўз оборот маблағлари билан таъминланиши ва унинг сақланиши таҳлили;
42. Корхонани тўлов қобилияти таҳлили;
43. Корхона молиявий барқарорлиги таҳлили;
44. Ликвидлик кўрсаткичлари. Баланс ликвидлиги таҳлили;
45. Айланма маблағлар айланиши таҳлили;
46. Молиявий натижаларнинг шаклланиши, уларнинг таркиби ва динамикаси таҳлили;
47. Товар – моддий қийматликларини аниқлашда ФИФО ва ЛИФО методларининг қўлланиши ва уларнинг фойдага таъсири;
48. Маржинал фойда ва зарарсизлик нуқтаси таҳлили;
49. Маҳсулот сотишдан кўрилган фойда таҳлили;
50. Ишлаб чиқариш ҳажми, фойда ва харажатларининг бир-бирига мослиги таҳлили;
51. Рентабеллик даражаси таҳлили;
52. Маҳсулот турлари бўйича рентабеллик таҳлили;
53. Бюджетга тўловлар ва уларнинг таҳлили;
54. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари таҳлили;
55. Асосий воситаларнинг таркиби, тузилиши ва динамикаси таҳлили. Тезлашган амортизация ажратмалари ва уларнинг фонд қайтимини оширишдаги роли;
56. Асосий фондларни техник ҳолати таҳлили;
57. Ишлаб чиқариш жиҳозларидан вақти ва қуввати бўйича фойдаланиш таҳлили;
58. Асосий фондлардан самарали фойдаланиш таҳлили;
59. Пул оқимлари таҳлили;
60. Хусусий капитал таҳлили;
61. Корхонанинг инвестицион фаолияти таҳлили;
62. Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти таҳлили;
63. Экспорт муомалалари таҳлили;
64. Импорт муомалалари таҳлили.

Курс ишини бажариш илмий изланиш бўлиб, бошқарув ва молиявий таҳлилнинг бирор бир мавзусини тўлароқ ўрганади ва ўрганилган мавзу ёзма шаклда баён этилиб, илмий раҳбардан ижобий тақриз олингандан сўнг ҳимоя

билан ишга якун ясалади. Курс ишини бажаришдан мақсад талабанинг ўқиши давомида олган билимини аниқ аналитик масалаларни ҳал этиш орқали мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Молиявий ва бошқарув таҳлил бўйича курс ишини бажаришга тайёргарлик кўриш талабанинг танлаган ихтисослиги бўйича билимини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди, илмий изланиш фаолияти билан шуғулланишга ўргатади.

Махсус компьютер дастурлари орқали ҳисоб-китоб ишларини бажаришда курс иши муҳим аҳамиятга эга.

Талаба курс ишини бажариши орқали янада муҳимроқ вазифа -диплом ишини ёзишга, уни ҳимоя қилишга тайёргарлик кўради.

Курс иши ҳажми 20-25 варақдан, аналитик жадваллар сони эса 5 тадан кам бўлмаслиги лозим.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

1. "1:С бухгалтерия" компьютер программаси ёрдамида таҳлил учун керакли манба, фирма ва компанияларнинг бухгалтерия балансини тузиш ва ундаги маълумотларни ўрганиш мумкин.
2. Альдо Ариано. Бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий кўрсаткичларни автоматлаштириш. - Т.: Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази, 1999.
3. Интернет тизими бўйича қуйидаги сайтлардан фойдаланиш тавсия этилади:

- <http://www.cfin.ru/finanalizis/>
- <http://www.citforum.ru/abtec/>
- <http://www.findirector.ru/>
- <http://www.comshare.ru/>
- <http://www.analitic.ru/>
- <http://www.biziness.smolensk.ru/>
- <http://www.buh.ru/>
- <http://www.optim.ru/fin/>
- <http://www.bizbook.ru/>
- http://www.vestona.ru/abfi_p.htm/
- <http://www.bizi.ru/>
- <http://www.biblion.ru/>
- <http://www.bookpost.ru/>
- <http://www.nevod.ru/>

- <http://www.audit-it.ru/>
- <http://www.finanaliz.kiev.ua/>
- <http://www.preiskurant.ru/>
- <http://www.nature.ru/>
- <http://www.biblion.ru/>

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режасида жами 156 соат дарс ўтиш режалаштирилган бўлиб, шундан 78 соат маъруза, 78 соат амалий ва семинар дарслар. Талабаларнинг фан бўйича ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий баҳолаш, оралик баҳолаш ва якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралик баҳолаш турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70%, якуний баҳолашга эса 30% миқдорда белгиланади. "Бошқарув ва молиявий таҳлил" фанидан талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 156,0 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 54,6 балл, оралик баҳолашга 54,6 балл ва якуний баҳолашга эса 46,8 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолаш турларига белгиланган баллар куйидаги ҳолатларда қўйилади;

- талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича асосий манбаларни конспектлаштириши;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- илмий тезислар тайёрлаши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни қуролларни тайёрлаши.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий Низом" билан белгиланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш – фаровонлик пойдевори. "Ўзбекистон овози" газетаси 2000 йил 22-июль.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
10. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. // "Ўзбекистон овози" газетаси 1996 йил 17-сентябрь.
11. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. // "Ўзбекистон овози" газетаси 2000 йил 30-май.
12. "Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши" ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 1999.
13. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
14. Абдуллаев Ё.А., Ибрагимов А.Т., Рахимов М.Ю. Иқтисодий таҳлил: 100 савол ва жавоб. - Т.: Меҳнат, 2001.
15. Вохобов А. В., Ибрагимов А. Т. Молиявий таҳлил. - Т.: Шарқ, 2002.

Қўшимча адабиётлар

1. Анализ прибыльности продукции. - М.: Дело, 1996.
2. Артеменко В.Г., Беландир М.В. Финансовый анализ. Учебное пособие. - М.: НГАЭиУ, 1997.
3. Астахов В.П. Анализ финансовой устойчивости фирмы (процедуры связанный с банкротством). - М.: Финансы и статистика, 1996.
4. Анализ финансовой отчетности предприятий при их инвестировании и кредитовании. - М.: 2000.
5. Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 1999.

6. Бернстаин А.А. Анализ финансовой отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1996.
7. Бочарев В.В. Управление денежным оборотом предприятий и корпораций. - М.: Финансы и статистика, 2001.
8. Бочарев В.В. Финансовый анализ. - Санкт-Петербург: Питер, 2001.
9. Бухгалтерский анализ. Перевод с английского. – Киев: 1998.
10. Вахрин П.И. Финансовый анализ коммерческих и некоммерческих организациях. Учеб пособие. - М.: Издательство – книготорговых центр маркетинг, 2001.
11. Григорев Ю.А. Учет, анализ и контроль внешнеэкономической деятельности и валютных операции. - М.: ПАИМС, 1998.
12. Ефимова О.В. О составлении пояснительной записки к годовому отчету // Бухгалтерский учет № 1. 1997.
13. Ефимова О.В. Финансовый анализ. - М.: Бухгалтерский учет, 1996.
14. Ергешев Е. Иқтисодий ва молиявий таҳлил. – Т.: Молия, 2000.
15. Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. - Т.: Меҳнат, 1995.
16. Ирвин Д. Финансовый контроль. - М.: Финансы и статистика, 1998.
17. Ковалев В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиции. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 1995.
18. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2001.
19. Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан. – Т.: Ассоциация бухгалтеров и аудиторов Узбекистана, 2002.
20. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999.
21. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001.
22. Павлова Л.Н. Финансовый менеджмент. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.
23. Терехова В.А. Международные и национальные стандарты бухгалтерского учета и отчетности. - М.: Перспектива, 2000.
24. Роберт Н. Холт. Основы финансового менеджмента. Перевод с английского. - М.: 1995.
25. Рожнова О.В. Финансовый учет: Теоретические основы, методологический аппарат. - М.: Экзамен, 2001.
26. Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия. – М.: И.П. Финанс, 2001.

27. Сорокина О.Н. Сравнительный анализ в основные приемы трансформации финансовой отчетности в соответствии с международными стандартами. - М.: УМЦ, 2001.
28. Раҳмонов Қ.Р. Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш. - Т.: 1996.
29. Финансовая отчетность. Реальная картина состояния бизнеса. - М.: Дело, 1996.
30. Финансовый анализ деятельности фирмы. –М.: М.И. Сервис, 1996.
31. Фридман Дж., Ордуэи Ник. Анализ и оценка приносящей доход недвижимости. - М.: Дело, 1997.
32. Харигери Ч., Фостгер Г. Бухгалтерский учет: Управленческий аспект. - М.: Финансы и статистика, 1995.
33. Холдервик К. Финансово-экономический анализ деятельности предприятия. - М.: Финансы и статистика, 1996.
34. Черкасов В.Е. Практическое руководство по финансово – экономическим расчетам. - М.: Метаинформ, 1995.
35. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. - М.: ИНФРА, 1996.
36. Ғуломов С.С. Инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили. -Т.: 1998.
37. Robert D. Gatewood, Robert R. Taylor O.C. Ferrell Management /Comperhension, Analysis, and Application / IRWIN, 1995.
38. Joel G. Siegel, Jae K. SHim, David Minars Financial trouble – SHOOTER spotting & solving financial problems in your company. Mc Graw - Hill, Inc. 1993.
39. David C. Colander. Economics IRWIN, 1993.
40. Donald H. Ph. G. William Glezen. Auditing: Integrated Concepts and Procedures sixth Edition. John Wiley & Sons, Inc., 1994.
41. Payl Peter, James H. Donnely. Marketing, Managment. Knowledge and Skills. IRWIN 1995.
42. Operations Managment. Richard I. Schonberger, Edward M. Knood. IRWIN, 1994.
43. George J. Posner. Analyzing the Curriculum. Mc Graw - Hill, Ink 1992.
44. Larson, Miller. Financial accountign. IRWIN, 1992.
45. Introduction to Accounting: An Integrated Approach. P. Ainsworth, D. Danies, R. D. Plumlee, Cathy X. Larson Irwin, 1997.